

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

IMPLEMENTED REFORMS IN THE CUSTOMS AUTHORITY REGARDING THE GENDER EQUALITY STRATEGY

I. D. Torakhodjaeva

DBQ Customs Institute Faculty of retraining and advanced training
Senior teacher of the "Special Sciences" department

In the last four years, in our country, there have been extensive efforts aimed at achieving equal rights and opportunities for women and men, ensuring their equal participation in the management of society and state affairs, supporting women in social and legal terms, as well as protecting women from harassment and violence. large-scale reforms were implemented.

The issue of gender equality has been raised to the level of state policy, and 25 legislative documents related to the field have been adopted.

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СТРАТЕГИЯСИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

И. Д. Тораходжаева

ДБҚ Божхона институти

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети
“Махсус фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Юртимизда сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан химоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Хусусан, божхона органларида аёллар улушини ошириш юзасидан 2022 йил 27 апрелдаги Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-122 –сонли Фармонида асосан давлат раҳбари томонидан 2022-2024 йилларда соҳада аёллар улушини 2 баробарга кўпайтириш вазифаси белгиланди. Бу эса офицер аёллар сонини ошишига ҳамда уларга бўлган эътибор ва имкониятларни кенгайтиришига олиб келмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида «Аёллар дафтари» тизими жорий этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд сўм маблағ ажратиб бориш йўлга қўйилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими жорий этилиб, олий ўқув юр்தларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки бараварга ортди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортиқ хотин-қизга жами 6,9 трлн сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатиб, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ва 5 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 134-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон БМТ Низомининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэътироф этилган нормаларига содиқ эканликларини доимо кўрсатиб келган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида 70-сон резолюцияси қабул қилиниб, мамлакатимиз учун долзарб ҳисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 та мақсадли вазифа ҳамда 206 та индикатор ишлаб чиқилган.

Хусусан, барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад — Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислохотлар билан ҳамохангдир.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Жорий йилнинг 17 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

✓ Президентимиз соҳага аёл ходимларни жалб қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

✓ Бугунги кунда божхона органларида аёлларнинг улуши бор-йўғи 8 фоизни ташкил этади.

✓ "Соҳада адолат, ҳалоллик ва тартибни жорий қилишни хоҳлар эканмиз, тизимга аёл ходимларни жалб қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз шарт", деди давлатимиз раҳбари.

✓ Шу муносабат билан келгуси икки йилда аёллар улушини камида 2 баробарга ошириш бўйича ишларни ҳозирдан бошлаш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда божхона органлари тизимда хизмат қилаётган умумий ходимлар сони 4223 тани, шундан 366нафари эса аёлларни ташкил этади.

Бугунги кунда аёллармиз Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий божхона бошқармалари аппарати, чегара ва ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари, Божхона институти ва Миллий кинология марказида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб келмоқда.

Хусусан, божхона органларининг асосий йўналишлари ҳисобланган божхона тўловлари, хавфни бошқариш, инновация, божхона экспертизаси каби бошқармаларда, шунингдек суриштирувчи, тезкор ходим, кинолог, дастурчи, қурилиш муҳандиси, бухгалтер ва шифокорлар шулар жумласидан.

Давлат божхона қўмитасида гендер тенглик борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон қарори ва Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 29 июндаги "Давлат божхона хизмати органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 115-сон буйруғи, йиғилиш баённомалари асосида тизимли равишда ташкил этилган бўлиб, бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан 56 банддан иборат, Давлат божхона хизмати органларида Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат кенгашлари (Маслаҳат кенгашлари) томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган асосий ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Ушбу мақсад доирасида ҳозирги кунда божхона органлари тизимида хизмат қилаётган аёллар томонидан божхона иаъмуриятчилиги ва у билан боғлиқ соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги Оила ва хотин –қизлар нитизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-87 сонли фармони ва 2022 йил 17 февралда божхона соҳасини такомиллаштириш борасидаги топшириқларни ижросини таъминлаш юзасидан Божхона институти ҳузурида олима аёллар кенгаши ташкил этилди. Ушбу кенгаш томонидан Божхона органларида гендер тенглиги ва тизимда зизмат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича малака ошириш курси ўқув дастури ишлаб чиқилди ва яқин кунларда бу борадаги ўқув машғулотлари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Давлат божхона қўмитасининг Юридик бошқармаси томонидан ДБҚ таркибий тузилмалари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда.

Шунингдек, божхона органларида хизмат олиб бораётган аёл ходимларга хизмат ва шахсий ҳаёти билан боғлиқ муносабатларда юзага келаётган масалалар бўйича юридик хизмат ходимлари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган ва ушбу йўналишда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган аёл тадбиркорларнинг марожаатларига асосан уларнинг фаолияти юзасидан божхона қонун ҳужжатлари бўйича юридик маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш, жисмоний тарбия машғулотлари ва спорт мусобақаларини ташкил этишда хотин-қизлар ва эркаклар учун бир хил имконият ва шароитлар яратилган.

Бу эса албатта ўз самарасини бермоқда, 2019 йил ва 2021 йилда республика вазирлик ва идораларидаги хотин-қизлар ўртасида “Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи” шиори остида ўтказилган спорт гимнастрасида Давлат божхона қўмитаси кетма-кет икки мартаба ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида ҳозирда 503 нафар курсант таҳсил олаётган бўлиб, шундан 71 нафари қизларни ташкил этади.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com



Божхона органларига етук мутахассис кадрларни тайёрлаш сифатини янада ошириш, ўқув семестрини аъло баҳоларга тугаллаган ва хизмат интизомида бошқаларга ўрнак бўлаётган, институт ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этаётган

иқтидорли 6 нафар курсантлар Давлат божхона кўмитаси Раиси стипендиясини олишга муваффақ бўлдилар. Улардан 4 нафари курсант қизлар ҳисобланади.


Ушбу институт битирувчиси, ҳозирда Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходими З.Мўйдинова “Халқаро ёш олимлар ассоциацияси” томонидан ўтказилган “Энг зўр ёш олим - 2021” халқаро кўрик танловида божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш тўғрисидаги мақолалари билан иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон учун 100 ғоя” республика кўрик танловида “Чегара божхона постларида йўловчилар ҳаракатини назорат қилишни автоматлаштириш учун “Automated passenger processing” ахборот тизими жорий этиш” лойиҳаси билан иштирок этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com



Ҳар йили 8-март Хотин-қизлар кунига бағишланган Божхона институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Ислом Академияси курсант-қизлари ўртасида “Фидоий қизлар” беллашувини ўтказиш анъанага айланган.

Бундан ташқари Давлат божхона кўмитаси халқаро миқёсда ҳам гендер лойиҳаларда фаол иш олиб бормоқда.

Масалан, Халқаро савдо маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Марказий Осиё мамлакатларида минтақалараро ва халқаро савдони ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида иш олиб борди.

Ушбу лойиҳанинг таркибий қисмларидан бири бўлган 5-компонент бу – Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёллар ва қизларни ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришдир.

ДБҚнинг 3 нафар ходимига “тренер” халқаро мақомдаги сертификатлар берилди. Божхона органларининг тренерлари ушбу компонент доирасида божхона хизмати органлари ходимларига ва ТИФ қатнашчиларига “Гендер муаммоларни инобатга олган ҳолда савдо-сотиқ тартиботларини соддалаштириш” тўғрисида божхона хизмати органларида тренинглари ўтказилди.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Шунингдек Божхона институти Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетида божхона органлари тизимидаги аёлларнинг ҳозирги кунда давлатимиз томонидан олиб борилаётган “Гендер тенглик сиёсати” ни ҳар томонлама тўлиқ ўргатиб бориш мақсадида ўқув курслари ташкил этилмоқда. Ўқув курслари жараёнида офицер аёлларга ҳуқуқий билимлар бериш билан биргаликда психологик билимлар ҳам бериб борилмоқда. Офицер аёллар билан лидерлик, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш ҳамда бошқа муҳим психологик мавзуларда ижтимоий-психологик тренинглари ҳам ўтказилмоқда. Дарсларга ҳар хил йўналишлар бўйича малакали мутахассислар таклиф қилиниб, машғулотлар сермазмун ташкил этилмоқда.



International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

Байрамлар муносабати, шунингдек алоҳида хизматлари учун рағбатлантириш ва давлат мукофотларига тизимдаги аёллар мунтазам тавсия этилмоқдалар.

Тизимда хизмат қилаётганлар бир қаторда, фахрий аёлларимизга ҳам доимий равишда эътибор қаратилиб, байрамлар муносабти билан улар ҳам ДБК буйруқлари билан рағбатлантирилмоқда, шунингдек моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Аёл ходималарни ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиши йўлга қўйилмоқда.

Божхона органлари томонидан амалга оширилган ишлардаги аёлларнинг ўрнига тўхталсак.

Божхона ходимлари юртмиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юртмизга сифатсиз озиқ-овқат ва дори воситаларининг кириб келиниши олдини олиш борасида сидқилдан хизмат қилиб, ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Жумладан, аниқланган боғхона қонунчилиги бузилиш ҳолатлари натижасида кўплаб товар моддий бойликлар ушлаб қолинди.



Шунингдек, 2021 йилда ўтган йилга нисбатан 5,9 трлн. сўм кўп боғхона тўловлари ундирилиб, давлат бюджетига 17,8 трлн. сўм пул маблағи ўтказилиб, белгиланган режа 1,4 трлн. сўм ортиғи билан бажарилган. Бу эса республикамиз

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Vienna, Austria
on October 20th, 2022.

www.conferencepublication.com

аҳолисини, шу жумладан, кам таъминланган, ёлғиз боқувчи ҳисобланган ёки касалманд бўлган аёлларимизни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни амалга ошириш имконияти дегани.

Амалга оширилаётган барча ишларда аёлларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиб, буларнинг барчасига тизимда аёл ва эркак ходимларга бирдек шароит ва имкониятлар яратилганлиги яъни гендер тенглиги таъминланганлигининг яққол натижаси сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 2021 йилда илк бора ўтказилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танловида Давлат божхона қўмитаси 60 дан зиёд вазирлик ва идоралар орасида “Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилган энг яхши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи” сифатида ғолиб (Гендер чемпион) деб топилиши эса юқорида таъкидланганларнинг яққол исботидир.

Бир сўз билан айтганда давлат божхона хизмати органларида бурчига ва касбига садоқат намунасини кўрсатиб, хизмат қилиб келаётган хотин-қизлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, эътибор ва эҳтиром кўрсатишга қаратилган тадбирлар мунтазам давом эттирилмоқда.

Гендер тенглиги борасида амалга оширилаётган ишлар ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилмоқда. <http://customs.uz> интернет сайтидаги алоҳида Божхона органларида гендер тенглиги рукнда ҳамда ижтимоий тармоқларда доимий равишда мақолалар, телевидения орқали туркум кўрсатувлар бериб борилмоқда.

